

ЎЗБЕКИСТОНРЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2019 йил ноябрь ойининг 15 куни жиноят ишлари бўйича Ургут туман судининг очик, сайёр суд мажлиси Ургут тумани, “Ғиждувон” МФЙ биносида, суд раиси Ж.Ю.Арслановнинг раислигида, судья ёрдамчиси П.Рахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ургут туман прокурорининг ёрдамчиси Д.Мўминов, судланувчи Ғ.Ҳамдамов ва унинг ҳимоячиси Самарқанд шаҳридаги “Боғишамол ҳақиқати” адвокатлар ҳайъати адвокати Ш.Бекмуродов, жабрланувчи С.Хушвақтова, жабрланувчи Н.Облоқулованинг вакили Б.Бердиевларнинг иштирокида, Ҳамдамов Ғиёсиддин Пўлот ўғлига нисбатан 1-1416-1901/197-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Ҳамдамов Ғиёсиддин Пўлот ўғли (Hamdamov G'iyosiddin Po'lot o'g'li) - 2000 йил 9 ноябрь куни Самарқанд вилояти, Ургут туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, бўйдоқ, вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Ургут тумани, “Ғиждувон” маҳалласида яшайди, мазкур иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2019 йил 20 октябрь куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи, жабрланувчининг вакили ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни, -

АНИҚЛАДИ:

Судланувчи Ҳамдамов Ғиёсиддин Пўлот ўғли – ўғрилиқ, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, 2019 йил июль ойининг бошларида ўзи истиқомат қилувчи Ургут тумани, “Ғиждувон” маҳалласида яшовчи, қўшниси Хушвақтова Соҳиба Оқил қизининг яшаш уйида ҳеч ким йўлигидан фойдаланиб, уй ҳовлисига ўзи истиқомат қилиб турган уйнинг ошхонаси устидан ғайриқонуний равишда ошиб ўтиб, уй хоналарига кириб, у ерда бўлган шифонер ичида турган С.Хушвақтомага тегишли бўлган, жами баҳоси 4.000.000 сўмлик икки жуфт тилла сирғалар ва тўрт дона аёллар тилла узукларини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Бундан ташқари, судланувчи Ғ.Ҳамдамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, 2019 йил июль ойининг ўрталарида ўзининг мол-мулкани яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида, Ургут тумани, “Ғиждувон” маҳалласида яшовчи, қўшниси Хушвақтова Соҳиба Оқил қизининг яшаш уйи ҳовлисига ўзи истиқомат қилиб турган уйнинг ошхонаси устидан ғайриқонуний равишда ошиб ўтиб, уй хоналарига кириб, яшаш хонасида бўлган шифонер ичида турган, С.Хушвақтомага тегишли бўлган, баҳоси 6.000.000 сўмлик бир дона аёллар тилло занжири, икки жуфт тилло

сирғалар, тўрт дона аёллар тилла узукларини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Шунингдек, судланувчи Ғ.Ҳамдамов ўзининг жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш мақсадида 2019 йил 29 август кунидан 30 август кунига ўтар кечаси, Ургут тумани, “Ғиждувон” маҳалласида яшовчи Облоқулова Нилуфар Хурсандовнанинг яшаш уйи олдига келиб, Н.Облоқулованинг ҳовлисида бўлган молхонасини ичига ғайриқонуний равишда кириб, молхона ичида бўлган, баҳоси 3.000.000 сўмлик бир бош қорамолини яширин равишда талон-торож қилиб, воқеа жойидан яширинган.

Суд мажлисида сўралган судланувчи Ҳамдамов Ғиёсиддин Пўлот ўғли ўз кўрсатувида, айбига тўлиқ иқрорлиги, 2009 йил июль ойининг бошларида қўшниси С.Хушвақтованинг уйидан ўғирлик қилиш фикри туғилганлиги ва шу куни соат 13:00ларда қўшниси С.Хушвақтованинг тўйга кетишини кузатиб туриб, С.Хушвақтова тўйга кетганидан сўнг ўз яшаш уйи ошхонаси томига чиқиб, том орқали С.Хушвақтованинг яшаш уйи ҳовлисига ўтганлиги ва унинг яшаш уйи хоналарига кириб, яшаш уйи меҳмонхонасида бўлган шифонерни ичидаги аёллар сумкасини ичида турган икки жуфт тилло сирға ва тўрт дона аёллар тилло узукларни олиб, ташқарига чиққанлиги, шундан сўнг ўртоғи Эшонқулов Оғабек билан бирга, унга ўғирлик содир этганлигини айтмасдан, “Ургут савдо комплекси” МЧЖга келиб, тилло тақинчоқларни севган қизиники эканлигини айтиб, нотаниш шахсга 2.200.000 сўмга сотганлиги, шу пулдан О.Эшонқуловга 500.000 сўм қарз берганлиги, таниши Долиев Ҳусниддинга бир жуфт овоз кучайтиргич ва бир дона телефон аппарати сотиб олиб бериши учун 1.500.000 сўм пул берганлиги, шу куни Ҳ.Долиев унга бир дона телефон аппарати ва бир жуфт овоз кучайтиргич олиб келиб берганлиги, 2019 йил июль ойининг ўрталарида яна ўғирлик қилиш мақсадида қўшниси С.Облоқулованинг яшаш уйида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ошхонаси томига чиқиб, том орқали С.Хушвақтованинг яшаш уйи ҳовлисига ўтиб, унинг уйи меҳмонхонасига кириб, меҳмонхонада бўлган шифонерни ичида турган аёллар сумкасида бўлган бир дона аёллар тилло занжири, икки жуфт тилло сирға ва тўрт дона аёллар тилло узукларини ўғирлаб чиқиб, “Ургут савдо комплекси” МЧЖ ҳудудида нотаниш шахсга сотганлиги, 2019 йил август ойида отасига тегишли бўлган машина билан йўл-транспорт ҳодисаси содир этганлиги натижасида машинага жиддий зарар етганлиги сабабли машинани таъмирлаш учун таниши Бобир орқали Усаров Қодир деган кишидан 150 АҚШ доллари қарз олганлиги, қарзни қайтариш вақти келганлиги сабабли унда қўшниси Облоқулова Нилуфарнинг қорамолини ўғирлаб сотиш фикри пайдо бўлиб, 2019 йил 29 август куни ўртоғи О.Эшонқуловга ўзига тегишли бўлган қарамолни сотишлиги, унга сотишга ёрдам беришлигини, кечаси кўнғироқ қилишлигини айтиб, шу куни кечаси соат ² 01:00ларда Н.Облоқулованинг яшаш уйи олдига келиб, атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, Н.Облоқулованинг молхонасига кириб, бир бош қорамолини ўғирлаб чиқиб, Ургут тумани, “Ғўс” қишлоғи томон етаклаб кетишида О.Эшонқуловга кўнғироқ қилиб, унга ўзига тегишли қарамолни етаклаб кетаётганлиги, қарамолни бозорга олиб чиқиш учун автомашина топишини

илтимос қилгач, бироз вақтдан сўнг О.Эшонқулов ўзининг машинаси билан келганлиги ва улар “Ўс” қишлоғида яшовчи бир кишининг юк автомашинасида қорамолни Тойлоқ тумани, “Адас” маҳалласидаги мол бозорига олиб боришганлиги, бозорда қорамолни 4.100.000 сўмга сотганлиги, Оғабекка қорамолни сотишга ёрдамлашганлиги учун 100.000 сўм берганлиги, шу бозорда бир нотаниш аёл кишидан 150 АҚШ доллари сотиб олганлиги ва Ургут туманига қайтиб келиб, Қ.Усаровга олган қарзи эвазига берганлиги, унинг ёнида 1.600.000 сўм пуллар қолганлиги, шу куни уйда дам олиб ётган вақтида туман ИИО ФМБ ходимлари келишганлиги, у содир этган жиноятини тан олганлиги, уни ўғирлик жиноятдан ҳеч кимни хабари бўлмаганлиги, бир ўзи содир қилганлиги, етказилган моддий зарарлар тўлиқ қопланганлигини баён қилиб, суддан ёшлигини, муқаддам судланмаганлигини инобатга олган ҳолда енгиллик беришни сўраган.

Судланувчи Ҳамдамов Ғиёсиддин Пўлот ўғли суд терговиди айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берган бўлса-да, унинг айби суд мажлисида сўралган кўйдаги жабрланувчи, жабрланувчининг вакили ва гувоҳларнинг кўрсатуви билан ўз исботини топди.

Жумладан;

Суд мажлисида сўралган жабрланувчи Хушвақтова Соҳиба Оқил кизининг, судланувчи Ғ.Ҳамдамов билан ён кўшни бўлиб яшашлиги, ўзига тегишли бўлган, умумий баҳоси 4.000.000 сўмлик икки жуфт тилло сирға ва тўрт дона аёллар тилло узукларини сумкасига солиб, яшаш уйи меҳмонхонасида бўлган шифонерни ичига қўйганлиги, 2019 йил 18 июль куни сумкани ичини кўрган вақтида тилло тақинчоқлари йўқлигини кўрганлиги, бирор жойга қўйган бўлиши мумкинлиги ҳақида уйлаб, ҳеч кимга мурожаат қилмаганлиги, 2019 йил июль ойининг охирларида эса умумий баҳоси 6.000.000 сўмлик бир дона аёллар тилло занжири, икки жуфт тилло сирғалари ва тўрт дона аёллар тилло узуклари ҳам йўқолганлиги сабабли бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилганлиги, суриштирув жараёнида шу ўғирликни кўшниси Ғ.Ҳамдамов содир этганлиги аниқланганлиги, тергов даврида унга етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф қилинганлиги, судланувчи Ғ.Ҳамдамовга нисбстан даъвоси йўқлиги, унга қонуний енгиллик бериш ҳақидаги;

Суд мажлисида сўралган, жабрланувчи Облоқулова Нилуфар Хурсандовнанинг вакили Бердиев Бурхон Азизовичнинг, жабрланувчи Н.Облоқулова келини, яъни укасининг турмуш ўртоғи бўлишлиги, ҳозирги кунда укаси ва Н.Облоқулова ишлаш мақсадида Россия давлатига кетишганлиги, 2019 йил 30 август куни эрталаб келини Н.Облоқулова унинг яшаш уйига келиб, кечаси молхонасида боғлиқ турган, баҳоси 3.000.000 сўмлик бир бош қорамолини номаълум шахслар ўғирлаганлиги ҳақида айтганлиги, шундан сўнг бу ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилишганлиги, Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ходимлари томонидан олиб борилган суриштирув ишлари натижасида ўғирликни маҳалладоши Ғ.Ҳамдамов содир этганлиги аниқланганлиги, Н.Облоқулова тегишли бўлган бир бош қорамол топилганлиги ва уларга қайтарилганлиги, моддий зарар тўлиқ қопланганлиги сабабли унинг ва келини

Н.Облоқулованинг судланувчи Ғ.Ҳамдамовга нисбатан даъвоси йўқлиги, унга енгиллик бериш ҳақидаги;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Усаров Қодир Худойбердиевичнинг, 2019 йил 14 август куни соат 16:00ларда ўз яшаш уйида бўлган вақтида ҳамқишлоғи “Бобир” муқаддам унга нотаниш бўлган Ғ.Ҳамдамов О.Эшонқуловлар билан бирга келганлиги, Бобир унга Ғ.Ҳамдамовни таништириб, унга 150 АҚШ доллари керак бўлганлиги, тез кунларда қайтаришлигини айтиб, қарз бериб туришини, агар Ғ.Ҳамдамов қайтармаса унинг ўзи қайтаришлигини айтганлиги сабабли Ғ.Ҳамдамовга 150 АҚШ доллари қарз берганлиги, 2019 йил 30 август куни Ғ.Ҳамдамов билан О.Эшонқуловлар унинг яшаш уйига келиб, унга 150 АҚШ доллари бериб кетишганлиги, орадан бир кундан сўнг Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ ходимлари келиб, Ғ.Ҳамдамов берган 150 АҚШ долларини қайтариб олиб кетишганлиги, Ғ.Ҳамдамов ундан 150 АҚШ долларини нима мақсадда олганлигини билмаслиги, Ғ.Ҳамдамов унга қайтарган 150 АҚШ долларини ўғирланган мулкни пули эканлигидан хабари бўлмаганлиги ҳақидаги;

Судда сўралган гувоҳ Долиев Хусниддин Ахрор ўғлининг, судланувчи Ғ.Ҳамдамов ўртоғи бўлишлиги, 2019 йил июль ойида Ғ.Ҳамдамов унга 1.500.000 сўм пул бериб, унга бир жуфт овоз кучайтиргич ва бир дона телефон аппарати олиб беришини, бу нарсаларни ўзи яхши тушунмаслигини айтганлиги сабабли у Самарқанд шаҳридан бир жуфт овоз кучайтиргични 85 АҚШ долларига ҳисоблаб ва Ургут шаҳридаи бозордан 350.000 сўмга бир дона “Самсунг С-2” русумли уяли телефон аппаратини сотиб олганлиги ҳамда қолган пул билан бирга Ғ.Ҳамдамовга берганлиги, Ғ.Ҳамдамов машинасини уриб олганлиги, таъмирланиб чиққанига қадар унга овоз кучайтиргич керак бўлмаслиги, у ишлатиб юриши мумкинлигини айтгач овоз кучайтиргични вақтинча ўзида олиб қолганлиги, 2019 йил август ойининг бошларида Ғ.Ҳамдамов унга 100 АҚШ доллар бериб, сақлаб туришлиги, зарур бўлган вақтида олишлигини айтганлиги, у шу 100 АҚШ долларини ўз манфаатига ишлатиб қўйганлиги, тахминан 20 кундан сўнг Ғ.Ҳамдамов 100 АҚШ долларини қайтаришни сўраган вақтида у акаси Ф.Долиевдан 100 АҚШ доллари олиб, Ғ.Ҳамдамовга берганлиги, Ғ.Ҳамдамовни ўғирлик жинояти содир этганидан хабари бўлмаганлиги, чунки Ғ.Ҳамдамовни оилавий шароити яхши бўлганлиги, шу сабабли гумон қилмаганлиги ҳақидаги;

Суд мажлисида сўралган гувоҳ Тўхтаев Абдулатиф Ғаффоровичнинг, 2019 йил 15 август куни отасига тегишли бўлган гўшт дўконида турган вақтида қўшни маҳаллада яшовчи таниши Ғ.Ҳамдамов келиб, унга бир дона “Самсунг С-2” русумли телефон аппаратини кўрсатиб, сотмоқчи эканлигини, пул керак бўлиб қолганлигини айтгач у Ғ.Ҳамдамов билан савдолашиб, ундан телефон аппаратини 300.000 сўмга сотиб олганлиги, Ғ.Ҳамдамов унга ушбу телефон аппаратини ўғирланган мулкнинг пулига сотиб олганлигини айтмаганлиги ва уни бундан хабари бўлмаганлиги ҳақидаги кўрсатувлари билан;

Бундан ташқари, иш ҳужжатларида мавжуд суд терговидида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги инкор қилиб бўлмайдиган далиллар йиғиндиси билан, яъни,-

-30.08.2019 йилдаги Н.Облокулованинг оғзаки ариза баённомаси; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомалар, чизма ва фотожадвал; далилий ашёни ўз ихтиёри билан топшириш баённомалар; далилий ашёни олиш баённомалари; олинган нарсани кўздан кечириш баённомалар ва фотожадвал; таниб олиш учун кўрсатиш баённомалари ва фотожадвал; далилий ашё тариқасида олинган нарсани қадоғини бузиш ва уни кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фотожадвал; нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ва жиноят иши ҳужжатларига қўшиш ҳақидаги қарорлар; жабрланувчи деб эътироф этиш тўғрисидаги қарорлар ҳамда бошқа жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, судланувчи Ғ.Ҳамдамовнинг ўғрилиқ, яъни такроран ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилишда ифодаланган жиноий хатти-харакатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 30.04.1999 йилдаги “Ўзгалар мулкини ўғрилиқ, талончилик ва босқинчилик билан талон-торож қилиш жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 6-сонли қарорида кўрсатилган раҳбарий тушунтиришларига риоя қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Ғ.Ҳамдамовнинг жиноят содир этишдаги ҳолатларига баҳо бериб, айбига тўлиқ иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлиги, етказилган моддий зарар тўлиқ бартараф этилганлиги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғаразли ёки бошқача паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолайди.

Суд, судланувчи Ғ.Ҳамдамовга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, жиноятни келиб чиқиш сабаблари ва хусусиятини, шахсини, ёшини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунидаги № 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 26-бандидаги “Озодликдан маҳрум қилиш жазо тариқасида, одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатишнинг имкони бўлмаса қўлланилади” деган раҳбарий тушунтиришларига риоя этиб, уни ёшини, бўйдоқлигини, ота-онасини қарамоғида бўлиб, оилавий шароитини, айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, моддий зарар тўлиқ қопланиб, ҳозирда жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини, “Ғиждувон” МФЙ фаоллари томонидан судга унга енгилроқ жазо тайинлаш борасида берилган кафолат хатини ҳисобга олиб, ушбу ҳолатлар жиноятни ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга ЖКнинг 57-моддасини тадбиқ этиб, содир этган жинояти учун қонун санкциясида кўзда тутилмаган енгилроқ, яъни озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, жазо миқдорини белгилашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олишни, қўлланилган “гаров” эҳтиёт чорасини бекор қилишни лозим топади.

Суд, жиноят иши бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган бир бош, баҳоси 3.000.000 сўмлик қорамол жабрланувчи Н.Облокуловага, бир дона

тилло занжир, икки дона тилло узуклар жабрланувчи С.Хушвактовага, бир жуфт овоз кучайтиргич судланувчи Ғ.Ҳамдамовга тилхат орқали қайтарилганлигини, иш бўйича моддий даъво мавжуд эмаслигини инобатга олишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473, 476-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ҳамдамов Ғиёсиддин Пўлот ўғли (Hamdamov G'iyosiddin Po'lot o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбли деб топилсин.

Умаров Ғолибжон Бурон ўғлига Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, 4 (тўрт) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи Ҳамдамов Ғиёсиддин Пўлот ўғлини яшаш жойидан ҳар куни кеч соат 22:00дан эрталаб соат 06:00га қадар чиқиши чеклансин.

Судланувчи Ғ.Ҳамдамовга;

-назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;

-алкоголли ичимликлар истеъмол қилмаслик;

-Самарқанд вилоят ҳудудини тарқ этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин;

Судланувчи Ғ.Ҳамдамовни хулқи устидан назорат олиб бориш Ургут тумани бўйича ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин. Жазо муддати суд ҳукми ижрога қабул қилинган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ғ.Ҳамдамовга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ҳамда ҳукм қонуний кучга киргач гаровга қўйилган “Нексия русумли, 30 В 253 МА давлат рақамли автомашина Сайитқулов Нурбек Хўжаёровичга тегишли тартибда қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчилар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди апелляция инстанциясига, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг эса жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди кассация инстанциясига шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

Ж.Ю.Арсланов